

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲҚAMASINING  
ҚАРОРИ

**361** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма комплекси» очик  
акциядорлик жамияти объектларини куриш ва реконструкция  
қилишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил  
27 июлдаги 152-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма комплекси» очик акциядорлик жамия-  
тини янада ривожлантиришни ва унинг томонидан кўрсатилаётган кўргаз-  
ма-ярмарка хизматлари самарадорлигини оширишни таъминлаш мақсадида  
Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзэкспомарказ»  
миллий кўргазма комплекси» очик акциядорлик жамияти объектларини  
куриш ва реконструкция қилишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғриси-  
да» 2007 йил 27 июлдаги 152-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар  
киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-  
публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига  
юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 10 июль,  
197-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 10 июлдаги 197-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг**  
**«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма комплекси» очик**  
**акциядорлик жамияти объектларини куриш ва реконструкция**  
**қилишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»**  
**2007 йил 27 июлдаги 152-сон қарорига киритилаётган**  
**ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг номидаги «миллий кўргазма комплекси» сўзлари «миллий  
кўргазма компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 4-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан

чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда, акцияларнинг қўшимча эмиссиясини бозор қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ташқи савдо компаниялари ўртасида уларнинг инвестиция мажбуриятларига муносиб равишда жойлаштирган ҳолда, «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компанияси» очиқ акциядорлик жамиятининг устав фондини кўпайтиришни белгиланган тартибда таъминласин».